Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кўрсатиш ҳуқуқи белгилангани уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ҳар бир мансабдор шахснинг, назорат органи ходимининг онгу шуурига чўқур сингдириш Фармонда кўзда тутилган эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилади. Бунинг учун шу кунга қадар айни йўналишда амалиётга жорий этилган ишларни танқид қайта кўриб чиқиш, шунга асосан, галдаги вазифаларни профилактика

Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сон ҳамда сифат жиҳатидан ривожланиб, иқтисодиётнинг таянч кучига айланишида муҳим омил бўлмоқда. Бу жараёнда, айниқса, банк тизими халқаро стандартларга мос иш юритаётгани, тезкор хизмат кўрсатаётгани туфайли ишбилармонларнинг том маънода ишончли ҳамкорига айланди. Ўтган йиллар мобайнида Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжаҳон бахт индекси”да

158 та давлат орасида 44-поғонани, МДҲда биринчи ўринни, шунингдек, “Кредитлаш тизими” бўйича эса 189 та давлат орасида 42-ўринни эгаллади. Молия-банк соҳасидаги ижобий ўзгаришлар муваффақиятлар бардавомлигини таъминлаш баробарида, унинг халқаро доирадаги мавқеини оширишга хизмат қилапти. “Стандарт энд Пурс”, “Фитч рейтингс” ва “Мудис” каби дунёдаги энг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари юртимиз банк тизими фаолиятини ҳар йили “Барқарор” дея тасдиқлаб келаётгани, АҚШнинг “Global Finance” журнали хулосасига кўра, республикамиз Марказий банки жаҳондаги шундай муассасалар орасида юқори баҳога сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

БАНК ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Молия-банк тизимидаги бундай ижобий ўзгаришлар “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган сўровларда ҳам ўз исботини топмоқда. Яқинда ташкил этилган шундай тадқиқот эса 2016 йилнинг ўтган тўққиз ойида тадбиркорлик соҳаси ривожда банкларимизнинг ўрнини аниқлашга бағишланди. Унда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, тадбиркор аёллар, шунингдек, ёшлар қатнашди.

Шу ўринда айтиш жоизки, респондентларни танлашда тадбиркорлик соҳасининг барча тоифаси (оилавий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжалиги, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ҳамда микрофирмалар) тўлиқ қамраб олинди.

Куйида ана шу сўров натижалари эътиборингизга ҳавола қилинади. Марказ томонидан берилган дастлабки “Банк тизимида тадбиркорларга яратилган қулай ишбилармонлик муҳитига қандай баҳо берасиз?” деган саволга иштирокчиларнинг 98,5 фоизи ижобий фикр билдирган.

Сўровда, шунингдек, “Худудлардаги қайси тижорат банкларининг фаолияти эътирофга лойик?” деган мурожаатга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Агробанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Микрокредитбанк”, “Ипотека-банк”, Халқ банки, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Азия альянс банки”, “Ориент финансбанк”, “Савдогарбанк” ва “Трастбанк” филиаллари худудларда кўпроқ диққатга сазовор, деган жавоб олинди.

“Ўшбу банкларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?” саволига эса 97,9 фоиз иштирокчи ижобий баҳо бергани, бунда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги тадбиркорлар фаол қатнашди.

Навбатдаги — “2016 йилнинг ўтган ойларида банклар томонидан кўрсатилган хизмат турларидан мамнунмисиз?” саволига эса респондентларнинг 98,9 фоизи “Қулай ва осон янги хизмат турлари жорий этилган, маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади”, “Омонатларни сақлаш бўйича барча ишлар ўз вақтида бажарилади”, “Белгиланган тартибга тўла амал қилинади, қонун бузилишга йўл қўйилмайди” каби жавобларни ифодалашди.

Бир неча йиллардан буён “Қишлоқ қурилиш банк” омонатида пул сақлаб келаман, — дейди мазкур молия муассасасининг Тошкент шаҳар филиали мижози Отабек Халилов. — Унга ҳисобланган фоизни эса ҳар ойда оламан.

Эътиборлиси, ушбу банкда фуқароларнинг омонатларини ҳимоялаш тизими тобора такомиллашиб бораёпти. Масалан, омонат-

лар билан боғлиқ операциялар мижозларнинг иштирокисиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида шахсининг бармоқ излари намунасида фойдаланиш, яъни биометрик идентификациялаш усулига ўтилган. Бундан ташқари, банкнинг жамгарма кассаларида мижозларга омонат маблағлари тўғрисида маълумот олиш имконини берувчи “SMS-омонат” хизмати йўлга қўйилгани ҳам вақтимизни тежаяпти. Шунинг учун банкларга бўлган ишончимиз тобора мустаҳкамланмоқда.

Эзгу ташаббуслар кўллаб-қувватланаяпти

Ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига қараганда, микрокредитларни тижорат банклари орқали олишни тадбиркорларнинг асосий қисми, яъни 98,9 фоизи энг ишончли, деб билиши аён бўлди. Айтиш жоизки, микрокредитларнинг аксарияти қишлоқ жойларда сервис ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, худудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилаётганини сўровда қатнашганлар мамнунлик билан эътироф этишган.

Банк кредитидан унумли фойдаланиб, ўз олдига қўйган натижаларга тўлиқ эришганлиги ва бу жараёнда жиддий қийинчиликларга учрамаганлигини билдирган тадбиркорлар хиссаси ҳам юқори —

98,7 фоизни ташкил қилди. — Юртимизда тадбиркорлиқни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди “Улғунор инвест текс” корхонаси раҳбари Жаҳилло Собиров. — Бунда молия муассасалари мутахассислари бизга яқин маслаҳатчи бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзимдан қиёс: тадбиркорликни йўлга қўйганимиздан буён “Асака” акциядорлик тижорат банкидан бир неча мартаба йирик миқдорда кредит олиб, фаолиятимизни янада кенгайтириб, ўйлаган мақсадимизга бирин-кетин эришяпмиз. Эндиликда буюртмачиларга ойига 175 минг дونا 14 турдаги тайёр кийим-кечак етказиб бермоқдамиз. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Корхонамизда 225 нафар ёш мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг барчаси ўз ишидан мамнун.

Бу банк томонидан ажратилган сармоя шарофати туфайли, албатта.

Сўровда иштирок этган респондентлар тижорат банкларининг микрокредитлари аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлашди. Бунинг уларнинг 98,5 фоизи “Ажратилаётган микрокредитлар аҳоли турмуш фаровонлиги ошишида муҳим аҳамият касб этиб, сармоялар иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда”, деган ижобий фикрда эканлигидан англаш қийин эмас.

Шунингдек, сўров қатнашчиларининг 97,6 фоизи “Микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка қишлоқ худудларида тадбиркорликни ривожлантиришга керак бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратмоқда”, 97,7 фоизи “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга микрокредитлар бериш бўйича бир қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилганлиги аҳоли, хусусан, аёллар ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашда муҳим омил бўлмоқда”, дея жавоб қайтаргани ҳам банкларимиз аҳоли орасига чуқур кириб бораётганидан далолатдир.

Яна бир муҳим савол — “Банкдан кредит олиш имконияти ҳамда бу борада қўйилган талабларга қандай баҳо берасиз?” дея қилинган мурожаатга респондентларнинг 98,9 фоизи “Кредит олиш тартиблари тадбиркор учун қулай ишлаб

чиқилган, шу боис ортиқча қийинчиликсиз қисқа муддат ичида сармоя олиб, мустақил бизнесни бошлаш имконияти юқори”, деб жавоб қайтарилган.

Чиндан ҳам, бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилоятидаги худудий бошқармаси бошлиги Файзулла Маманов. — Бунинг куйидаги рақамлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Яъни сўнгги 10 йил давомида вилоят тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажми 20 баробардан зиёд ўсиб, ўнлаб янги банк хизматлари жорий этилди. Охириги 7 йилда соҳа вакиллари молиявий кўллаб-қувватлаш ишлари 1,3 баробардан кам бўлмаган миқдорда ўсди. Натижада биргина худуднинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган кредитлар миқдори 4,3 трлн. сўмни ташкил этди. 2016 йилнинг тўққиз ойида эса тадбиркорларга аввалги йилдагига нисбатан 30 фоиздан кўпроқ кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда вилоятимиздаги қайси банк филиалига борсангиз, улар мижозлар билан гавжум эканлигига гувоҳ бўласиз. Банк ходимлари тадбиркорлар ва аҳолига ёрдам беришга интилади. Консалтинг хизматлари bepul кўрсатилади. Ишбилармонлар учун алоҳида хоналар ташкил этилган мижозларга ҳар томонлама қулайлик яратмоқда.

“Банкда ташкил этилган “Тадбиркорлар хонаси” талаб даражасидами?”, “Банк тизимидаги “Ишонч телефонлари”нинг ишлаш ҳолати сизни қониқтирадими?” деган саволларга мос равишда 98,9 ва 98,3 фоиз иштирокчи ижобий баҳо бергани ҳам юқоридаги фикрларни яна бир қарра тасдиқлайди.

Қолаверса, “Кредит олишда ўрнатилган фоиз ставкалари сизни қониқтирадими?” саволига сўралганлардан 98,6 фоизи “Банкларда ўрнатилган фоиз ставкалари тадбиркор учун мақбул даражада” деган хулосани ифодалаган.

Бундан ташқари, тижорат банклари ходимлари томонидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул

қилиш ва унинг ижросини таъминлаш жараёнида мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ортиб бораётгани ҳам тадқиқот натижаларидан маълум бўлди. Ушбу йўналишдаги ишлардан респондентларнинг 97,8 фоизи мамнун эканлигини билдиргани шундан далолат беради. Марказимиз томонидан “Айтингчи, “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили амалда ўзини оқлаяптими?” деган саволга эса 98,9 фоиз қатнашчи банкларнинг фаолиятини юқори баҳолаган.

Ёшлар ва аёлларга кўмаклашиш — устувор вазифа

Сўров давомида яна бир устувор вазифа — хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишда бир неча са-

фаолияти талабга тўлиқ жавоб беради” деган ижобий жавоб олинганининг боиси ҳам шунда.

Пластик карточкалар қулайлик яратмоқда

Бугунги кунда товар ва кўрсатилган хизматлар учун пластик карточкалар орқали ҳақ олиш усули мамлакатимизда тобора ривожланмоқда. Яъни пластик карточкалардан фойдаланиш халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Ижтимоий сўров жараёнида одамларнинг ушбу йўналишдаги ишларга бўлган муносабатини ҳам билишга ҳаракат қилинди. Пировардида респондентларнинг 98,9 фоизи “Пластик карточка жуда қулай, хавфсиз ва ишончли тўлов воситаси”, деган фикрдалиги аён бўлди.

Айланма маблағ — корхонага мадад

Тижорат банкларининг иқтисодий реал секторига айланма маблағлар учун кредитлар ажратаётганлиги ҳам саноат субъектларининг барқарор ишлашига замин яратмоқда. Сўровда қатнашган 98,7 фоиз респондент “Банклар томонидан корхоналарга айланма маблағлар ўз вақтида ажратилмоқда, ҳар бир корхонага банкларимиз яқин ҳамкор ва ишончли таянч бўлиб хизмат кўрсатиб келмоқда”, деб баҳо бергани бунинг яққол тасдиғидир.

Амалий учрашувлар самараси

Сўровда сўнгги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенроқ тушунтириш ишларига ҳам аҳамият қаратилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда бошқа вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилаётган учрашувлар юқори самара бераётгани маълум бўлди. Аниқроғи, бу борада респондентларнинг 98,5 фоизи ижобий баҳо бериб, бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш бўйича таклифлар билдирди.

Ўз навбатида, сўров иштирокчиларининг 97,7 фоизи тижорат банклари томонидан олиш худудларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишида, айниқса, оилавий тадбиркорлар сонини кўпайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари ташкил этилишида катта ёрдам бераётганини таъкидлаган.

Банк тизимининг замонга мос фаолият юритиши қишлоқ жойларда ҳам ишбилармонлик муҳити яхшилланишига катта ёрдам бермоқда, — дейди Банк туманидаги оилавий тадбиркорлик субъекти раҳбари Жамила Эгличкова. — Мисол учун, мен “Агробанк”нинг туман филиали кўмагида тадбиркорликни йўлга қўйдим. Ҳозир хонадонимиз аҳли билан бирга меҳнат қилиб, даромад топаёпмиз. Шу маънода, айтиш мумкинки, банклар бизнинг ишончли таянчимиздир.

Марказ томонидан “Банк тизимида 2016 йилнинг 9 ойлик фаолияти давомида олиб борилган иқтисодий ислохотларга қандай баҳо берасиз?” деган яқинчи саволга респондентларнинг 98,9 фоизи бу ислохотлар қутилган самарани бераётганини, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ҳамда худудларни ривожлантириш дастурлари ижроси банк тизими томонидан сифатли бажарилаётганлигини қайд этди.

Шу ўринда марказ томонидан хорижий инвесторларнинг фикрларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганини айтиш жоиз. Негаки, сўровда иштирок этган чет эллик инвесторларнинг барчаси “Ўзбекистон банк тизимида сармоядорларга кенг имкониятлар яратилган, сармоядорларнинг барқарор бўлган ишончи юқори”, деган ижобий фикрни билдирди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, уларда қатнашган тадбиркорлар, ёшлар, қўйингки, аҳоли барча қатлами мамлакатимиз банк тизимининг амалий ёрдами билан муваффақиятга эришяётганликлари алоҳида эътироф этишмоқда. Бундай тадқиқотлар орқали олинган фикр-мулоҳазалар оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни кўллаб-қувватлашда банк тизимининг фаолиятини оширишга кўмаклашувчи асосли хулосаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази.



СПОРТ

Айни кунларда пойтахтимиз яна бир йирик спорт анжуманига мезбонлик қилапти. “Ўзбекистон” спорт мажмуасида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз дзюдо федерацияси, Халқаро дзюдо федерацияси (IJF), қатор вазирилик ҳамда ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада йигирмага яқин давлатдан 135 спортчи ўн тўрт вазн тоифасида совринли ўринлар учун курашаётир.

Жаҳоннинг таниқли дзюдочилари Тошкентда беллашмоқда

Айтиш жоизки, Гран-при туркумига кирувчи турнир Халқаро дзюдо федерацияси тақвимидан ўрин олган йирик мусобақа ҳисобланади. Ушбу ташкилот юртимизда мазкур спорт турини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, ўзбек дзюдо мактаби нуфузи ва вакилларимизнинг халқаро майдонда эришган юқори натижалари, шунингдек, республикамизнинг спорт анжуманларини ўтказиш борасидаги бой тажрибасини инноватга олиб, 2013 — 2016 йиллардаги Гран-при мусобақасига мез-

бонлик қилиш ҳуқуқини Тошкент шаҳрига берганди. Байрамона безатилган спорт мажмуаси нуфузли меҳмонлар, мураббийлар, спортчилар ҳамда муҳлис-лар билан гавжум. Чорлов садолари остида майдонга мусобақа иштирокчилари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Тадбирда юртимизда Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, Ватанимиз шаънини янада юксалтиришнинг муҳим омили

бўлган спортни ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айлангани, шаҳар ва қишлоқларимизда замон талабларига жавоб берадиган спорт иншоотлари сони йилдан-йилга кўпайиб, уларда маҳоратини ошираётган ўғил-қизларимиз сафи кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Мустақиллик йилларида дзюдочиларимиз Олимпиада ва Осиё ўйинлари, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда мунтазам совринли ўринларни кўлга киритиб келишаётир. Хусусан, II ўсмирлар Олимпиадасида ёш полковимиз Суҳроб Турсунов бронза ҳамда олтин медалларга сазовор бўлгани, Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон дзюдочилари жамоавий баҳсларда қучли учликдан жой олгани, жорий йилда Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилган XXXI Ёзи Олимпиада ўйинларида Ришод Собиров ва Диёрбек Ўрозбоев бронза медаллар билан тақдирлангани фикримиз тасдиғидир.

Вакилларимизнинг Гран-при турниридаги иштироки

ҳам эътиборга молик. Масалан, 2013 йилги мусобақада дзюдочиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган. 2014 йилда битта олтин, иккита кумуш ҳамда учта бронза, 2015 йилги беллашуларда эса биттадан олтин ва кумуш, тўртта бронза медалга сазовор бўлишган.

Бу йилги турнирда Ватанимиз шарафини 56 нафар дзюдочимиз ҳимоя қилмоқда. Улар орасида тажрибали ҳамда ёш спортчилар бор.

Гран-при мусобақасининг дастлабки кунда эркаклар ўртасида 60, 66, хотин-қизлар ўртасида эса 48, 52, 57 килограммгача бўлган вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Унда ҳамюртларимиздан Мухриддин Тилолов олтин медални кўлга киритган бўлса, Шарофиддин Лутфуллаев учинчи ўринни эгаллади. Диёра Келдиёрова кумуш, Нодира Гулова, Мукаддас Кубеева, Гуломий Жумабоева ҳамда Санобар Султонова бронза медаллар билан тақдирланди.

Кеча тўртта вазн тоифасида баҳслар ўтказилди. Қувонарлиси, турнирнинг иккинчи кунда ҳам вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Мирзоҳид Фармонов, Давлат Бобонов, Гулноза Матниёзова ўз вазн тоифасида барча рақибини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ёвсжон Бобоев кумуш, Мусо Собиров бронза медални кўлга киритди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



КЎЗ НУРИ, ҚАЛБ ҚЎРИ ВА ҚЎЛЛАР СЕҲРИ халқ амалий санъати намуналарида мужассамдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Устанинг бу ҳақда сўз очгани бежиз эмас. “Шуҳрат” медали соҳибни Бахшулла Жумаевнинг “Совға” деб аталган маркази оилавий корхона мақомини олди-ю, сулоланинг ишлари янада ривожланиб кетди. Гап шундаки, илгари коммунал тўловлар борасида баъзи тушунмовчиликлар юзага келарди. Эндиликда бу ҳолга барҳам берилди. Чунки белгиланган тартибга мувофиқ, оилавий корхона тураржойдан бир вақтинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Маълумот тариқасида айтиш лозимки, вилоятда айни пайтда рўйхатга олинган 258 та оилавий корхона шу каби имтиёزلардан фойдаланмоқда.

— Биринчи Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони асосида бизга имтиёз ва қулайликлар яратиб берилди, — дея сўхбатга қўшилиди оила бекаси, моҳир зардўз Мукаддас Жумаева. — Зардўзликнинг ўқитишдан зиёд услубини ўзлаштирганман. Тарихимиз, бугунги обод кунларимиз, қолаверса, қадимий Бухоронинг ҳар бир осорياتиқаси биз учун тайёр мавзу.

Бунга қўшимча тарзда айтиш лозимки, халқ амалий санъатининг бу тури

кишидан рассомлик, наққошлик, гулбурилик, яъни гул кесиб берувчилик ҳамда зардўзликни чқур билишни талаб қилади. Кўз нури, қалб қўри, қўллар сеҳри билан асрлар оша ўз жозибасини йўқотмайдиган нафис асар юзага келади.

..Хунармандлар билан сўхбатлашиб турганимизда устакхонага бир гуруҳ сайёҳлар кириб келди. Хорижий меҳмонлар юртимиз табиятининг бетакрор манзаралари, қадимий обидлар тасвири туширилган зардўзлик буюмларини ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилишга киришди. Бу ҳолатни кузатишнинг ўзи мароқли эди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон фарзанди эканимиздан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Биржа технологиялари — ишбилармонлар кўмакчиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яна бир муҳим жиҳати, ҳукуматимиз томонидан биржалар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши натижасида мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилот, хусусан, иктисодиётимизнинг таянч устунига айланган кичик бизнес субъектлари учун моддий-техника ресурсларидан эркин фойдаланиш учун тенг шарт-шароит яратилди. Бунинг самараси биржада тузилаётган битимлар миқдори жадал суръатларда ўсиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Яъни 2004 йилдан 2015 йилгача бўлган давр мобайнида имзоланган битимлар 19 мартаба ўсиб, 8,8 трлн. сўмликка етказилди.

Кичик бизнес вакиллари иштирокида тузилган шартномаларнинг миқдори эса 23 мартаба ортиб, 303,6 млрд. сўмдан 7,1 трлн. сўмликка кўтарилди. Бундай ижобий ҳолат 2016 йилнинг биринчи ярмида ҳам сақланиб, тадбиркорларимиз биржа орқали 2,86 трлн. сўмлик товар ре-

сурсларини харид қилиш, 1,28 трлн. сўмлик маҳсулотларни сотишга муваффақ бўлдилар. Мазкур кўрсаткичлар тадбиркорлик ҳаракатининг сон ва сифат жиҳатидан ривожланиб бораётгани, айни чоғда уларнинг савдо операцияларини ўтказишнинг замонавий усулларига бўлган қизиқишлари юқорилигини тасдиқлайди.

Чиндан ҳам, ўтган йили биржада 6,5 мингта янги миқоз рўйхатга олинган бўлса, шунинг 95 фоизидан ортинги кичик бизнес вакиллари ташкил этди. Бунда битимлар ихросини кафолатлаш механизми жорий қилинган, инфратузилманинг таркибий қисми ҳисобланган ҳудудий савдо тармоқлари кенгайтирилгани муҳим аҳамият касб этди.

Гап шундаки, ўтган йили тадбиркорлар иштирокида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида саксонга яқин савдо майдончалари очилди. Пировардида биржа савдоларининг электрон тизими 800 дан зиёд брокерлик идоралари, 1800 нафардан ортқ трейдерлар ҳамда 13 та ҳудудий

филиал ва юртимизнинг турли шаҳар ҳамда туманларида жойлашган 200 дан ортқ савдо майдончалари боғланди.

Биржа инфратузилмасининг ривожий тадбиркорларнинг нафақат товар-ҳом ашё ресурсларидан тенг фойдаланиши, балки ишлаб чиқарган қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотларини ЎзРТХБнинг бошқа савдо платформалари орқали сотишига шароит яратилмоқда. Савдолар халқаро ахборот тармоғига уланганлиги жаҳон бозорларига чиқиш учун қўшимча қулайликларни тақдим қилаётир. Бинобарин, ҳозирги кунда қўллаб қорхоналарда ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилгани, бу, ўз навбатида, интернет аукцион савдолари ҳажми ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, сўнгги ўн йил мобайнида ярмарка савдоларининг умумий ҳажми 8 мартаба ўсиб, ўтган йили 1,1 трлн. сўмликни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса ушбу кўрсаткич 780,2 млрд. сўмга етди. Махсулотлар савдосида фаоллиқни кўпроқ тадбиркорлар намоён этганлиги боис уларнинг ярмарка савдоларидаги улуши 77 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда электрон тижорат негизига асосланган кўргазма-ярмарка савдолари инновацион ечимлар ҳисобиغا янада тақомиллаштирилди. Бунинг эвазига ярмарка тизимининг савдо ва тўлов қисмлари ягона тармоқда бирлаштирилиб, операциялар янги веб-сайт — yagm.uz да амалга оширила бошланди.

Биржа савдо платформаларидаги бундай қулайликлар маҳаллий бизнес вакилларининг давлат ва корпоратив харидлардаги иштироки сезиларли даражада кенгайишга олиб келди.

Яъни 2011 — 2015 йилларда электрон харидлар бўйича ўтказиладиган онлайн аукционларда қатнашган

тадбиркорлик субъектларининг сони етти мартаба ўсиб, 40 мингтани ташкил этган бўлса, етказиб берилган товарлардаги улуши 98 фоиздан ошди.

Тадбиркорлик субъектларини электрон савдоларга кенг жалб қилиш мақсадида шу йилдан эътиборан мамлакатимизнинг барча ҳудудида фаолият юритаётган “Бир дарча” марказлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ишбилармонлар учун ишлаб чиқилган махсус веб-сайт (b2b.uzex.uz)-да савдо иштирокчиларига тегишли маълумотномалар жойлаштирилаётган бўлса, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)нинг “Тадбиркорлик” бўлимида ишбилармонларнинг давлат харидларида иштирок этишлари учун бюджет ташкилотларининг амалдаги талабномаларига обуна бўлиш ва онлайн-маслаҳат функцияси бириктирилган. Шунингдек, биржанинг ҳудудий филиаллари томонидан ўқув-семинар, “Очқиқ эшиклар кўни” ва бизнес-форумлар ўтказиш аънава тусига киргани қутилган натижаларни бераётир.

Шу каби изчил сайёҳаракатлар самараси ўлароқ, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий ҳамда жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган биржа механизми тўлиқ шаклланди. Келажақда бу борадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, тадбиркорлар учун мутлақо янги истиқболларни тақдим қилувчи йирик лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Бу кичик бизнес субъектларининг биржа технологиялари ёрдамида ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга самарали усулда олиб чиқиш имкониятини янада кенгайтириши мумкин.

Азиз АБДУҲАНИЕВ,
«ЎзРТХБ» АЖнинг
савдоларни ташкил этиш бўйича директори.

ЭЪЛОНЛАР

OZSANOATQURILISHBANK

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»

SMS-информатор фаолиятини яхшилаш мақсадида контент-провайдер ташкилотини танлаш юзасидан танлов эълон қилади.

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни куйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (0-371) 120-35-72, 120-45-00. Ички телефон: 10-87.

Наврхлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ҳамда корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, 2016 йил 20 октябрь кўни соат 18.00 гача қабул қилинади.

15259/526

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» AJX

бошлангич баҳоси босқича-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига пойтахтимиздаги харбий қисмлардан бирига тегишли, Тошкент шаҳри, Юнусовоб тумани, Янги шаҳар кўчаси, 17-уйда сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, техник ҳолати таъмирталаб, давлат рақами 01 735 TST бўлган, «Audi A6» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 65 633 000 сўм.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори — 15 фоиз.

Аукцион савдоси 2016 йил 8 ноябрь кўни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 4 ноябрь кўни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Тошкент вилояти прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, Ц-мавзесида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2006 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник ҳолати қониқарли, давлат рақами 10 775 ААА бўлган, «Nexia» русумли.

Бошлангич баҳоси — 21 510 670 сўм.

* 2006 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник ҳолати қониқарли, давлат рақами 10 763 GBA бўлган, «Nexia» русумли.

Бошлангич баҳоси — 21 048 025 сўм.

Аукцион савдоси ғолибига 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори — 40 фоиз.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 ноябрь кўни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 4 ноябрь кўни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувида белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 200933850, 20210000300571452114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Гувоҳнома № 001580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақами кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 040 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масхул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.

Навбатчи — Д. Солиқов.

Мусаҳҳих — С. Исмоилов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.16 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6